

## ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДА ЯРАТИЛГАН ҒЎЗАНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ “НИЯТ” НАВИ

**Жуманиязов Фарход Кодамович**

Хоразм Маъмун Академияси Табиий фанлар бўлимининг катта и. х.

Email: [farhod7020@mail.ru](mailto:farhod7020@mail.ru)

**Шарипова Ширин Камиловна**

Табиий фанлар факультети Биология кафедраси магистранти

Email: [Shsharipova0507@gmail.ru](mailto:Shsharipova0507@gmail.ru)

**Йўлдашева Шахноза Хасанбой қизи**

Табиий фанлар факультети Биология кафедраси магистранти

Email: [boss189151469@gmail.com](mailto:boss189151469@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг тупроқ–иклим шароитларига мос тезпишар, серхосил, касаллик ва зааракунандаларга чидамли, IV ва V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган ғўзанинг янги ва истиқболли “Ният” навинининг қимматли хўжалик белгилари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Янги, истиқболли ғўза навлари, Хоразм вилоятининг тупроқ–иклим шароити, тола сифатининг технологик кўрсаткичлари, микронейр, толанинг бир хиллик индекси.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими-кластер усули жорий этилди.

Қисқа давр мобайнида кластер усулида фаолият юритиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда рентабеллиги юқори, рақобатбардош, тола сифати дунё пахта бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича кенг миқёсда тадбирлар амалга оширилмоқда. Селекционер олимларнинг қўп йиллик тадқиқотлари натижасида ўрта толали ғўзанинг тола чиқими, тола узунлигини ҳамда битта кўсақдаги пахта вазнини оширишга эришилди. Республиканинг турли тупроқ-икклим, гидрогеологик ва мелиоратив минтақалари учун яратилган турли ноқулай шароитларга чидамли, қимматли хўжалик белгиларини намоён этадиган, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори, серҳосил навларни танлаш ҳамда парваришлишнинг мақбул агротехнологияларини тадбик этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Экологик нав синовлари натижасида ҳар бир минтақа учун юқори потенциал хусусиятларга эга бўлган янги ғўза навларини танлаб олиш ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш натижасида республикамизда сўнги йилларда юқори сифатли ва мўл пахта ҳосили етиштиришга эришилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳамда Хоразм Маъмун академияси олимлари ҳамкорлигига янги “Ният” ғўза нави яратилди.

Ушбу нав ўзининг хўжалик қимматли белгилари ва эртапишарлиги жихатидан ҳозирда Хоразм вилоятида экилаётган навлар билан рақобатбардошлиги туфайли уни экишга катта талаб ва эҳтиёж сезилмоқда.

Иzlанишларимиздан асосий мақсад Хоразм вилоятининг тупроқ-икклим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зааркунандаларга чидамли, IV-V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатdir.

Ғўзанинг истиқболли Ният навидан келгусида Хоразм вилоятининг тупроқ-иклим шароитига мос, толасининг сифати ҳамда чиқими юқори бўлган янги тизма ва навларни яратиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда бошланғич ашёлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Ғўза Ният навининг қисқача тавсифи. Ўсимлик бўйи 110-125 см, яшил ўртacha тукланган. Ўсув шохлари 0-1 га. Ҳосил шохи 1,0-1,5 типга мансуб бўлиб, биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғинда жойлашади. Пояси йўғон, ётип қолмайди. Барглари ўртacha катталиқда, кучсиз тукланган, яшил рангда. Гули оқ сарғиши рангда булиб, гул чангчилари оқ сарғиши, кўсақлар вазни 5,8-6,5 г, ўртacha овалсимон шаклда, учсиз, яшил рангда, 4-5 чаноқли, етилганда эркин очилади, чигити ўртacha катталиқда тухумсимон, ўртacha тукли, кулранг; пахтаси тўкилиб кетмайди.

Толаси оқ рангда бўлиб, тола чиқими 38-40%, тола узунлиги 34,5-35,0 мм, тола пишиқлиги 4,4 г.с., тола майинлиги 6100-6400 мн, толани узулиш узунлиги 33,6 г.с/текс, микронейри 4,5 толанинг ўртача дюйм узунлиги 1,20 га тенг. Чигити ўртача катталиқда, овалсимон шаклда, 1000 дона вазни 117-124 г. Микронейр – 4,4 mic.

Ният навининг устунлиги ва иқтисодий самарадорлиги. Хоразм вилоятининг экстремал (шўрланган тупроқ, минерализацияга учраган ер ости сувлари, сув танқислиги, ўта юқори ҳаво ҳарорати) шароитларига мослашган. Мазкур нав IV -типга эга бўлиб, саноатбоплиги билан жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради. Тупи ихчам, шунинг учун қўшқатор усулда экиш яхши самара беради. Ният навининг ҳосилдорлиги назорат навга нисбатан 3 - 3.5 ц/га юқори, тола сифати яхши.

Истиқболли Ният нави андоза навларга нисбатан ҳосилдорлиги (38,2-40,0 ц/га) юқорилиги, толасининг штапель узунлиги (34,5-35, мм), микронейрининг майинлиги (4,3-4,5), толаси чиқимининг андоза ва бошқа навларга нисбатан юқорилиги (38-40 %), толасининг IV типга мансублиги билан ажралиб туради.

Ғўзанинг янги Ният навининг уруғлик чигити уруғчилик ишлари натижасида кўпайтирилганда популяция ўсимликлари морфохўжалик белгилари, ҳосилдорлик ва толасининг сифати кўрсаткичлари бўйича ўзига хослигини сақлаб қолади.

Бажарилган тадқиқот ишлари бўйича қўйидагича натижаларга эришилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан яратилган ғўзанинг янги, истиқболли “Ният” нави тижоратлаштириш рўйхатига киритилди.

Патент олиш бўйича тегишли ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси “Ният” нави бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига якуний хулосани тақдим қилди. Натижада “Ният” навига Интеллектуал мулк агентлигининг Патенти олинди. Патент рақами: № NAP 00205. Рўйхатга олинган санаси: 30.11.2018 йил.

Ният нави 2015 йилда Давлат нав синаш Марказининг тупроқ назоратидан, 2016-2018 йилларда эса худудлардаги шоҳобчаларида синовлардан ўтиб, Қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 125 сон буйруғи билан

Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига истиқболли деб топилди ва экишга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йил 12-13 кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида “Ҳазорасп тумани ва янгидан ташкил этиладиган Тупроққалъа туманини ривожлантириш бўйича 2020 йилда амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги иловага асосан 2020 йил апрель-май ойларида янги ташкил этиладиган Тупроққалъа туманининг Тупроққалъа массивида 1200 гектар ер майдонига Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан яратилган “Ният” ғўза навини синов тариқасида экиб этиштириш белгиланган. Тупроққалъа туманида жойлашган Ҳазорасп, Хива, Ҳонқа ҳудудларидағи “Муҳаммад Али”, “Шариф Ота”, “Ёдгорбек”, “Уста Аҳмад”, “Душам Ота”, “Анварбек”, “Пахтакор”, “Комил Хушнуд”, “Хива Тупроққалъа”, “Мақсадбек Мухторбек”, “Хайт Абрим”, “Истар”, фермер хўжаликларида экилган Ният навининг ўсиш-ривожланиш босқичлари яхши давом қилаётганлиги, хусусан, симподиал шоҳларда ҳосил элементларининг шакилланиши I-II типга мансуб, айрим фермер хўжаликларида яъни “Машхур Баходир”, “Файзулла Бобо”, “Давронбек” каби фермер хўжаликларида ғўза тупидаги қўсакларнинг очилганлиги кузатилди.. Бир туп ғўзадаги қўсаклар сони ўртача 22-28 тани ташкил этди.

Ғўзанинг *G.hirsutum* L. туричи навларини дурагайлаш асосида тола сифати ва чиқими юқори, тезпишар ва ҳосилдор тизмалар ажратиб олиши мумкинлиги аниқланди. Ғўзанинг Ният нави *G.hirsutum* L. туричи дурагайлари асосида кўп йиллик мақсадли танлаш усули билан илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида олинганлиги ва андоза навлардан унинг келиб чиқиши, серҳосиллиги, тола чиқими ва сифати юқори эканлиги билан фарқланиши бир неча авлодлар давомида ўрганилди.

Ғўзанинг Ният навининг пояси ихчам кўринишга эга бўлиб, Хоразм вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитларида қўшқатор усулда экилганида яхши самара бериши амалий жиҳатдан аниқланди. Ғўзанинг Ният навидан келгусида Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган ва қўшқатор экишга қулай бўлган ғўзанинг янги тизма ҳамда навларини яратиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда бошланғич ашёлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Ражабов.З.П.,Жуманиязов Ф.К.,Абдурахимов.У.К., “Хозяйственно-ценные признаки новых сортов и линии хлопчатника”.Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси.Хива.ш.№1 2021.й.140-141 с.
2. Ражабов.З.П.,Жуманиязов Ф.К.,”Ғўзанинг янги истиқболли Хурма нави”.Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси.Хива.ш.№3 2021.й.109-112 б.
3. Аккужин Д.А., Кадиров Ш.Ю., Жуманиязов Ф.К., Машарипова Р.Б. Хоразм Маъмун академиясида яратилган янги истиқболли ғўза навлари тола сифатининг технологик кўрсаткичлари./ Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. 2015 й., 4-сон, 16-б.
4. Салаев Қ. ва б. Тупроқ унумдорлигини ошириш – ҳосилдорлик гарови. Услубий қўлланма. Хива. 2008 й., Б.112.